



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (11.106)

Баҳоси эркин нарҳда

БАҲОР ВА ГУЗАРЛИК ТИМСОЛИ



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ НУФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ВАТАНИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ЎРНИ БОР. ШУ БОИС УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН.

Ўртимизнинг барча ҳудудларида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.

7 март куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳалларида самарали меҳнат қилаётган илгор хотин-қизлар, мунис онахонлар тақдир этилди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва манқеини янада юксалтириш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш алоҳида ўрин ва аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар ҳажми ва кўлами янада кенгайди.

Хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари доимий

эътиборда. Ўртимизда қад ростлаётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган соғлиқни сақлаш масканлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавий-маърифий муассасалар шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса кишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитини янада яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби эзгу ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтидорли қизларни кашф этиш, рағбатлантириш, уларнинг келгусидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти қўллаб-қувватлов соҳибаларининг камолоти йўлида қанот бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 29 февралда қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига кўра иқтидорли қизларни аниқлаш, ўртимизнинг изланувчан, ташаббускор ёшлари қаторида уларнинг ҳам ҳаётий манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга ана шу мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов хотин-қизларни байрам билан қутлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Миробод тумани халқ таълими бўлими мудири Озода Паррибоева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Несибели Мамбетризаева, Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи 11-синф ўқувчиси Юлдуз Файзий мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътиром ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта байрам дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,

ЎЗА МУХБИРИ

(ЎЗА) Мухаммад Амин олган суратлар

ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАРИХИ МУШТАРАК. ТИЛИМИЗ, МАДАНИЯТИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ЎХШАШ. АЗАЛДАН ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ҚАРИНДОШЛИК РИШТАЛАРИ ҚАРОР ТОПГАН. ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ УМУМИЙ. НАВОИЙ АСАРЛАРИ КИРИБ БОРМАГАН ТУРКМАН ХОНАДОНИНИ, МАХТУМУКУЛИНИ ЎҚИМАГАН ЎЗБЕКНИ ТОПИШ ҚИЙИН. БИЗ БИР ДАРЁДАН СУВ ИЧАМИЗ.

Мамлакатларимиз ўртасида 1993 йил январда дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Бир неча бор Ўзбекистон – Туркменистон саммити ўтказилиб, икки томонлама ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, 1996 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги ҳамда 2004 йилда қабул қилинган Дўстлик, ишончли мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномаларда икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркменистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ашқобдаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон – Туркменистон алоқала-

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

рига доир барча масалалар атрофида муҳокама қилиниб, истиқбол режалари белгилаб олинди. Муносабатларни кенгайтиришнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди.

Келишувларнинг амалий натижаси ўлароқ, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ашқобд саммитида ўзаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида шартномавий-ҳуқуқий пойдеворни янада такомиллаштиришга, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Президентларнинг Қўшма Баёنотида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон халқаро ташкилотлар доирасида ҳам савий-ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб боради. Терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмилий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган.

Туркменистон пойтахтида ўтган олий даражадаги учрашувида Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедов савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки томон ҳам катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаб, уни тўла ишга солиш учун Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркменистон қўшма комиссияси ишини фойдалантиришга келишиб олдилар. Айниқса, ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт-коммуникация инфратузилмаси, энергия манбаларининг транзити, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш каби соҳалар устувор аҳамият касб этади.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифи чоғида 2008-2010 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ҳам қабул қилинди. Унда ҳамкорликда маданий-гуманитар тадбирлар ташкил қилиш, миллий-маданий меросни тиклаш ва сақлаш борасида тегишли идораларнинг алоқаларини ривожлантириш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатга асосан илм-фан, маданият ва санъат, таълим, архив ишлари билан шугулланувчи ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланди. Ижодкор ва тадқиқотчиларнинг мулоқотлари учун янги имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари қадимдан бир-бирининг тўй-ҳашамиди, сайилу байрамиди қатнашиб келган. Истиқлол йилларида ана шу анъанавий алоқаларни сақлаб қолиш учун чегарадан ўтиш тартибини белгилувчи катор ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу икки давлат фуқароларининг, транспорт воситаларининг ўтиб-қайтишини осонлаштириш билан бирга қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, эпидемияларга қарши биргаликда курашиш учун ҳам ҳуқуқий асос бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганига яна бир далил сифатида кишлоқ ҳўжалиги зараркунданлари ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни келтириш жоиздир. Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодийотида кишлоқ ҳўжалиги муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимизнинг бу борадаги ҳамкорлиги ўзаро муносабатлар пухта ўйланган, келишилган ва мувофиқлаштирилган стратегия асосига қурилганидан далолат беради.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлган бир гуруҳ иқтидорли қизлар Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Тошкентдаги Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия хайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шунингдек, байрам арафасида совриндор қизлар билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳар Офицерлар уйида «Аскар оналарини шарафлаймиз!» мавзюида учрашув ўтказилди. Унда вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан фарзандлари Куролли Кучлар сафарларида хизмат қилаётган оналар иштирок этди.

● «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг Қашқадарё вилояти бўлими «Нима? Қерда? Қачон?» интеллектуал ўйинини ўтказишга бошлади. Билимдонлар баҳслари «Нима? Қерда? Қачон?» Халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унда Қарши Давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти талабалари ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат 24 та жамоа иштирок этмоқда.

● Паркентдаги Шошилич тиббий ёрдам марказидаги «Тез ёрдам» станциясининг бизнес мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Қайта қуриш жараёнида шохобча уч баравар кенгайтирилиб, мавжуд хоналар сони 20 тага етказилди ва уларнинг барчаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

● Бекобод шаҳридаги техника-иқтисодий касб-хунар коллежида «Очик эшиклар куни» тадбири ўтказилди. Халқ таълими бўлими ҳамда коллеж маъмурияти ташкилотчилигида ўтган бу тадбирда мактабларнинг 9-синф ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

● «Муборакнефгазмонтаж» очик акциядорлик жамиятида жорий этилган касбий хавфсизлик ва соғлиқни сақлашни бошқариш тизими халқаро миқёсда тан олинди. Германиядаги нуфузли аудиторлик идораси мутахассисларининг хулосасига кўра, қорхонага DQS халқаро сертификатлаш ташкилотининг «OHSAS 18001-1999» стандарти талабларига мувофиқлик гувоҳнома-си топширилди.

● Наманганда хизмат кўрсатиш ҳажмига кўра шаҳарда иккинчи бўлган «Сардоба» бозорини реконструкция қилиш ишлари якунланди. Реконструкциядан сўнг бозор бутунлай янги қиёфа касб этди. Жумладан, 100дан ортиқ замонавий дўконлар ўрин олган 6 та савдо қаторлари бунёд этилди. Дўконлар ким ошди савдолари орқали ўз эгаларини топди. Йил охирига қадар Наманган вилоятида яна 20 та бозор реконструкция қилинади.

ЖАҲОНДА

● Доминикан Республикасида бўлиб ўтган саммитда Колумбия, Венесуэла ва Эквадор президентлари учрашиб, ҳар уччала давлат ўртасидаги зиддиятларга барҳам берилишини таъкидладилар.

● Кеча Грузия пойтахти Тбилисида 10 мингга яқин муҳолифат вакиллари намойишга чиқиб, мамлакат президенти сайловлари натижаларини қайта қўриб қиқиш ҳамда Грузиянинг МДҲ таркибидан чиқишини талаб қилдилар.

● Кеча Испанияда мамлакат парламенти-га сайловлар бўлиб ўтди.

● Кеча Тожикистондаги Помир тоғида «МИ-8» вертолётни ҳалокатга учраши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, беш киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Покистоннинг 15 миллион аҳоли истиқомат қилувчи улкан Карчи шаҳри электр қувватисиз қолди. Истеъмолчиларнинг давлат энергетика компаниясидан катта миқдордаги қарздорлиги бунга сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, истеъмолчиларнинг компания олдидаги қарзи 554 миллион АҚШ долларидан ошиб кетган.

● АҚШнинг Алабама штатида денгиз пилёдаларини олиб кетаётган автобус ҳалокатга учради. Яъни ушбу автобусларнинг тўнтариллиб кетиши оқибатида 23 киши яраланди. Уларнинг тўрт нафари оғир аҳволда.

● Кеча Туркия махсус хизмат ходимларининг мамлакат шимолида амалга оширган операцияси чоғида курд ишчи партиясининг тўрт нафар жангариси қўлга олинди.

● Кеча Хитойда ҳаракатланаётган самолётда террорчилик ҳаракатининг олди олинди.

● Қуддус шаҳрининг гарбий қисмида жойлашган мактабга террорчилар ҳужум уюштиришди. «Ассошиэтед-пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра икки террорчи мактабга кириб, ўқувчиларга қарата ўқ уза бошлаган. Натижада саккиз ўқувчи ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб кишилар яраланди. Ҳозирда полиция томонидан ушбу хунрезликнинг сабаби ўрганилмоқда.

● Кеча Колумбияда ўтказилган футбол ўйини пайтида юзага келган муштлашув оқибатида 80 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

● **ЎТГАН** куни Сергели туманидаги «Бахт Диёр» тўйхонасида туманнинг фаол аёллари, меҳнат ва иккинчи жаҳон уруши фаришлари иштирокида ўтказилган байрам тадбири 8

март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди.

● **МУҚИМИЙ** номидаги ўзбек Давлат музыкали драма театрида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда Чилонзор туманида яшовчи фаол хотин-қизлар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида

Хотин-қизлар байрами тадбалар, ўқитувчилар иштирокида нишонланди.

● **ХИНД** миллий маданият марказида велосипедда жаҳон бўйлаб саёҳат қилаётган хиндистонлик Самендр Надҳ билан учрашув уюштирилди.

● **ЎЗБЕКISTON** Республикаси Давлат солиқ кўмитасида соҳа ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир Хотин-қизлар кунига бағишланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши фаоллари Халқаро хотин-қизлар куни

муносабати билан туманда яшовчи ёлғиз қариялар, онахонлар хонадонларига боришди, уларга уй юмушларида ёрдам беришди.

● **«ЖАР»** спорт мажмуасида катталар ўртасида ўтказилаётган кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари қизгин паллага кирди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туманида «Аср» спорт клуби ташаббуси билан қаратё бўйича уюштирилган

турнирда туманда яшовчи болалар ва ўсмирлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида «Тенгдош» маданият уйи ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 10-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида волейбол, баскетбол, стол теннис бўйича уюштирилган мусобақа «Ёшлар йили»га бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



«Ташаббус — 2008» МАҲОРАТЛАРИ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

ЮРТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИ ИҚТИСОДИЙТИММИЗ РИВОЖИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН ТАДБИРКОР ҲАМДА ХУНАРМАНДЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДАН ТАШҚАРИ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШЛАРИ, ИЗЛАНИШЛАРИНИ КЎЧАЙТИРИШ, НАФАҚАТ ИЧКИ БАЗОРИМИЗНИ ИМПОРТ ҲАМДА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШГА АЛОҲИДА ҲИССА ҚЎШАЁТГАНИ, ШУБҲАСИЗ.

«Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичида ҳам қўллаб тадбиркор хунармандлар ўз замонавий маҳсулотлари билан иштирок этишди.

Тадбирни туман ҳокими Хусниддин Маҳмамов кириш сўзи билан очиб, кўриқда ўз маҳоратлари, янгиликлари, ташаббусларини намойиш қилишга келган иштирокчиларга омад тилади. Тадбиркор ва хунармандларнинг элимиз фаровонлиги, аҳоли бандлиги масаласи ечимига амалий маддадлари таъкидлаб ўтилди.

Тадбиркорлар ҳамда хунармандлар маҳсулот товарларининг кўргазмаси томошабинларни ҳам мамнун қилиб завқ-лашмоқда, ижодий илҳом оламоқда. Қўллаб ёшлар бугунги тадбирга тажриба алмашиш, ўрганиш учун ташриф буюришгани мени хурсанд қилди. Боиси, «Ташаббуснинг қаноти бор», деб ҳалқимиз бежиз айтмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Турли йўналиш бўйича фаолият юритаётган тадбиркор-

лар орасидан туман босқичи ташкилотчилари 24 нафар тадбиркор ҳамда 11 нафар хунармандни танловда қатнашишга лойиқ деб топишди. Бунда сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг бежирим, қулай қадоқланишига, дизайннинг замонавий бўлишига, «Ўзбекистонда тайёрланган ёрлиги билан хориж давлатларига экспорт қилинишига алоҳида эътибор қаратилди.

«RAFFERTI SERVICE» хусусий фирмаси, «K-SAFI» хусусий корхонаси, «SARBON SAVDO XIZMATI», «OM-AK-NUR-biznes» масъулияти чекланган жамиятларининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, «EL-MOBIL» масъулияти чекланган жамиятнинг резина маҳсулотлари, хусусий тадбиркор Зафар Қодировнинг қўллаб турдига замонавий аёллар сумкалари, маҳаллийлаштириш дастурига муносиб хиссаларини қўшаётган «LIMA TEKS SERVICE» масъулияти чекланган жамияти, шунингдек, заргарлик устаси Мирвосил Обидов, сандиқчи Бахтиёр Қосимов, ёғоч ўймакорлари Равшан Зиёев ва Шукрилла Муротовлар, мини-аторча расомлар Низом, Дилшод Шоҳмедовлар, Шукриддин Рихсиев каби қўли гул хунармандларнинг кўзларни қувватчи ишлари барчада яхши таассурот уйғотиб, маҳоратларининг ҳақиқий намойишга айланди.

Қатнашчилар барча шартлар бўйича беллашишган кўрик-танлов ҳайъати аъзолари ғолиб ҳамда совриндорларни эълон қилди. Унга кўра 1-ўрин «Энг яхши тадбиркор» номинациясида «OM-AK-NUR-biznes» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Омон Раҳимовга насиб этди. 2-ўринни «ASILA-SHANINA» хусусий корхонаси директори Жамшид Ҳакимов ҳамда 3-ўринни «EL-MOBIL» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эльдор Валитовлар қўлга киритишди.



«Энг яхши хунарманд» йўналишида биринчи ўринга сандиқчи Бахтиёр Қосимов, иккинчи ўринга каштани Нилуфар Исмаилова ва учинчи ўринга мини-аторча расом Низом Шоҳмедов сазовор бўлишди.

Туман босқичи ғолибларига ҳамда барча белгиланган номинациялар совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар олқишлар остида топширилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

ОРОЛ МУАММОЛАРИ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ХАЛҚАРО

КОНФЕРЕНЦИЯДА МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ НЬУ-ЙОРКДА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ «ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ: БМТ ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИ» МАВЗУИДА ЎТКАЗИЛГАН МУЗОКАРАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БМТ ҲУЗУРИДАГИ ДОИМИЙ ВАКИЛИ А.ВОҲИДОВ СЎЗГА ЧИҚАДИ.

БМТга аъзо давлатлар вакилларига Ўзбекистон ташкилотининг иқлим ўзгариши муаммосига оид умумий конвенцияси ва Киото протоколи доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни ичкилик билан амалга ошираётгани тўғрисида ахборот берилди.

Иқлим ўзгариши муаммоси кенг қўллаб, хусусан атроф-муҳит муҳофазаси ва сув захиралиридан фойдаланиш каби масалаларни қамраб олади. Шунингдек, Ўзбекистон томони иштирокчилар эътиборини Орол денгизи ҳавасидаги экологик муаммога, шунингдек Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофазаси қилиш масалаларига қаратади.

Орол денгизи ва унинг бой биологик табиати ҳалокати минтақа даражасидаги мислсиз оқибатларни келтириб-чиқаради, балки ер қурра-сининг бошқа қисмларида иқлим ўзгаришига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда, — деди А.Воҳидов. — Денгизнинг қуриб қол-

ган майдонларида юзага келаятган туз ва қум бўронлари экинлар ҳамда ўсимликларни нобуд қилади. Балиқчилик ва овчилик ҳўжаликларига улкан иқтисодий зарар етди. Экологик муаммолар Орол ҳавасидаги ҳаёт тарзини издан чиқариб, суғурма ва тоза ичимлик сувининг муттасил равишда етишмаслигига сабаб бўлмоқда.

Маърузада Орол денгизи ҳавасидаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган аниқ дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда уларни молиялаштиришда халқаро ширкларнинг иштирокини фаоллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Унда таъкидландики, ҳаётнинг ўзи Марказий Осиёда сув захиралирини бошқаришнинг умумий тизими зарурлигини шарт қилиб қўймоқда ҳамда ўзаро ҳамкорлик механизmlарини ишлаб чиқиш ва ривожландиришни талаб этапти. Шу маънода мазкур минтақада сувдан фойдаланишга дахлдор лойиҳаларни амалга ошириш-

да бу ердаги экологик вазиятга таъсир этиши мумкин бўлган ва тузайтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқарадиган барча омиллар ҳисобга олиниши зарурлиги қайд этилди.

А.Воҳидовнинг маълум қилишича, шунингдек, иқлим ўзгаришига қарши кураш ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилишга қаратилган умумий савий-ҳаракатларга Ўзбекистон ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида шу йилнинг 11-12 март кунлари Тошкентда «Орол муаммолари, унинг аҳоли генофонди, хайвонот ва ўсимликлар дунёсига таъсири ҳамда унинг зарарли оқибатларини қамайтириш борасида халқаро ҳамжамият чора-тадбирлари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Тадбир уювчилари бўйича Орол денгизи ҳавасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича ҳаракат режасини ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

«Жаҳон» АА, Нью-Йорк

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҲИДГА, ТОВУШГА, ШАКЛГА ЭГА ЭМАС. ЛЕКИН ОЧИҚ ТУРГАН СИМГА ЁКИ НОСОЗ ЭЛЕКТР АСБОБИГА ҚЎЛ ТЕККИЗИЛИШИ БИЛАН, У ЎЗ КУЧНИНИ КЎРСАТАДИ.

Ҳозирги даврда ишимизни, вақтимизни, қулайликларимизни энгиллаштираётган техника бизнинг ҳаётимизда асосий ўрин эгаллаб қолмоқда, бироқ ундан тўғри фойдаланишни билиш лозим.

Хонадонимиздаги, иш жойимиздаги ва умуман атрофимиздаги, бизнинг кундалик ҳаётимизда энг қўл фойдаланиладиган, ишимизни осонлаштирадиган ва турмушда қулайликлар яратиб берадиган электр ускуналари ва жиҳозлари электр энергиясининг

2007 йилнинг 12 ойи мобайнида республика ҳудудида 15026 та ёнгин содир бўлган, шундан 3447 таси ёки 23,0 фоизи, 2008 йилнинг январь ойида эса 2123 та ёнгин содир бўлган бўлса, шундан 517 таси ёки 24,0 фоизи электр ускуналарининг ва тармоқларининг қонқарсиз техник ҳолати билан боғлиқ. Бу оддий рақамлар эмас, бу рақам остида жамиятга, оилаларга етказилган маънавий ва моддий зарарлар ётибди.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқ жоизки,

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНАЙДИК

кучи билан ишлатилади. Яъни ҳаётимизга, турмушимизга электр жиҳозлар қанчалик кўп кириб келса, улар томонидан сарфланадиган электр токи ҳам шунчалик кўп бўлади. Аммо электр жиҳозларининг қулайлигига, қироилишга, замонавийлигига, истеъмол қилиш қувватига ва арзонлигига учиб, шу жиҳозларни ишлатиш жойларига электр тоқини етказиб берувчи электр тармоқларининг имкониятлари базми ҳолларда эътиборга олинмаяпти. Электр тоқи дотор уйимизнинг том қисмидан, дотор сувоғи ёки ёғоч пол остидан, полимер химоя қобикли ва ҳар хил кесимга эга бўлган электр ўтказкичлардан (симлардан) оқиб келади. Бироқ катта қувватга эга бўлган электр жиҳозлари электр тармоғига шу симларнинг ҳолати ва имкониятларини инобатга олмай, уланмоқда. Оддий қилиб тўшунтирганда, бу худди ингичка игга оғир юк осилгандек, аммо бунда узилган игга нисбатан, электр симининг узилиши ёки қузиш натижасида эришининг оқибатлари оғирроқ бўлиб, ёнгин чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Хоналарни иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун электр энергиясидан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш мақсадида, электр энергетикада назорат бўйича давлат органи «Ўздавэнергосазорат» инспекцияси томонидан белгиланган тартибда берилган рухсат билангина фойдаланиш мумкин.

2007 — 2008 йилларнинг қиш мавсуми ўтган йиллардагига нисбатан олдатдигани (иллик) келмай, анча совуқ бўлди. Агар ёдингизда бўлса, илгари қишга тайёргарлик қўриш чоғида уйимиздаги ва иш жойларимиздаги дераза ромларининг тириқчилари қўлбола усуллар билан беркитиларди, табиий ҳис бормаган хонадонларда ўтин ва кўмир галланарди. Ҳозирги кунда эса, ҳаётимизга замонавий маънавий электр жиҳозлари (совутичлар, иситишчилар) кириб келиши билан уларнинг кенг имкониятларига ишониб қишни қутиб олдик ва бу борада ўзига хос таассуротлар билан кузатиб ҳам қўйдик (ташқаридаги ҳаво - 10 ОС дан паст бўлганда, улардан фойда йўқ экан). Хоналаримизни иситиш учун мўлжалланган электр тармоғига уланган электр жиҳозларининг қуввати хаддан зиёд ошиб кетиши оқибатида содир бўлган авария ҳолатлари ва қисқа туташувлар, умумий энергетика тизимига ва унинг эксплуатацияси билан шуғулланувчи корхоналарга анча ташишлар келтирди.

истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишингиз мақсадида «PAYNET» хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Ҳозирда энергетика тармоғининг янада ривожланиши ва тақомиллаштирилишини таъминлаш учун электр энергиясидан тўғри фойдалана билиш керак.

Истеъмолчилардаги электр ҳисоблагичларнинг кўрсатмаларига электр энергиясини узатишдаги йўқотишлар ҳажми бўлиб, бу энергия тизимининг бош подстанциясидаги электр ҳисоблагичнинг кўрсатмаларига тенг бўлади.

Лекин, текширувларда аниқланишича, фойдаланилган электр энергияси ҳажми билан узатилган электр энергияси ҳажми бир-бирига тўғри келмайди, яъни истеъмолчиларнинг электрон ҳисоблагичлари кўрсаткичлари, бош подстанциянинг электр ҳисоблагичидаги кўрсаткичларига мос бўлмайди.

Демак, кўпинча бу электр ҳисоблагич тўхатиб қўйилгани, ё рухсат этилмаган равишда тўғридан-тўғри тармоққа улашиб олинганлигидан далолат беради.

Текширувлар чоғида айниқса истеъмолчи сифатида энергия таъминоти ташкилотига шартномасиз улашиб олган хусусий корхоналар кўзга ташланмоқда.

Мана шундай ҳолатлар электр энергиянинг сифати пасайиб кетиши ёки электр тоқининг тез-тез ўчиб қолишига сабаб бўлади.

Энди ўзингиз ўйлаб қўринг, агар уйингизда бир сутка электр энергияси бўлмаса, керакли ишларни қила олмай қанча асаб бузилиши мумкин. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек электр энергиясидан тўғри фойдаланилса, бу ҳаётимизни энгиллаштириши, бироқ ундан фойдаланишда турли хил салбий ҳолатлар ҳар хил ташишларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Бунинг ўз қўлимизда эканлигини англаб етишимиз лозим.

Хурматли газетхон, ушбу келтирилган мисоллар, маслаҳатлар ва тақлифлар борасида бирор ижобий тўхтама-га ёки фикрга келишингиз, жамиятимиз, оилангиз ва ён-атрофингиздаги инсонлар учун беқийс ёрдам бўлади.

Д.ЭЛМУРОДОВ, Ш.ТОПОПОВ, З.КАДИРБЕКОВ, С.КАРИМОВ, «Ўздавэнергосазорат» инспекцияси ходимлари

Иқтисодиёт ЗАМОНАВИЙ ЛИНИЯ КЕЛТИРИЛДИ

ШУБҲАСИЗ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАР ҚЎВВАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОРТИБ БОРАДИКИ, БУ ҲАМ ИЧКИ, ҲАМ ТАШҚИ БОЗОРДА МУНОСИБ ЎРИН ТОПИШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

Бундан 10 йиллар аввал атиги 5-6 киши билан фақатгина оддий дурадгорлик ускуналари ёрдамида мебель маҳсулотлари тайёрлаган «ETIQUOD» хусусий корхонаси тадбиркорларининг билим ва маҳоратларини ишга солиб изланишлари юксак самара берди. Негаки улар Мустақиллик берган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиб, шу билан биргаликда бозорни тинмай ўрганиб маҳсулот турларини кўпайтиришга, корхонани кенгайтиришга ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришишди. Бунинг асосий боиси эса сифатли ва бозор талаблари асосида маҳсулот тайёрлашда муҳим омил саналган замонавий мебель ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш линия ва ускуналаридан самарали фойдаланишдир.

Йиллар давомида цехлар кенгайтирилиб, хориждан янги линиялар келтирилди, малакали мебелсозлар қаторига иқтидорли шоғирдлар қўшилди. Натижада бугунга келиб Италия, Германия ва бошқа давлатлардан келтириб ўрнатилган юксак унумли дастгоҳларда 90 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Маҳсулот турлари эса кун сайин ортиб бормоқда, сифати жиҳатидан улар хориждан олиб келинган мебель товарлари билан бемалол рақобатлаша олади.

Яқинда тадбиркорлар ўзларининг янги каталогларини чиқаришди. Ундан компанияда тайёрланаётган янги турдаги мебеллар ўрин олган. Шунингдек, корхонанинг замонавий кўргазмалар саломи хамиша харидор ва буюртмачилар билан гавжум бўлиб, у ерда барча қулайликлар мавжуд.

—Йил бошида хорижлик ҳамкорлар билан музокарамини якунлади,—дейти корхона директори Абдуғани Қосимов.—Унга кўра жорий йил ўрталарида Италиядан яна бир янги дастгоҳ келтирилади. Бу мебелларимиз дизайнида катта аҳамият касб этади.

Куни кеча Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтган «Ташаббус—2008» кўрик-танловда корхона раҳбари тадбиркорлик йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди.

ЧИННИЛАР ЖИЛОСИ

ҲАР БИР РЎЗФОРДА, МАИШИЙ СОҲАДА ЧИННИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР. АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ ДИЗАЙНИ ВА СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТАДИ.

Хусусий тадбиркор Фотима Аҳмедова 2000 йилда ўз фаолиятини чинни буюмларга жило беришдан бошлаган бўлиб, бугунги кунда оила аъзолари ва шоғирдлари унга яқиндан ёрдам беришмоқда. Ҳозирда тадбиркор чинни устаси томонидан миллий ва замонавий услубда безак берилган чинни буюмлари нафақат пойтахтимизда, балки республикамиз вилоятларида ҳам ўз харидорига эга бўлган.

—Аваллига оддийгина чойнак-пиёлаларга гул солиш билан шуғулланган бўлсак, бугунги кунда буюмларимиз тури 20 хилдан ҳам ортиб кетди,—дейти Фотима Аҳмедова.—Ўтган йилда «Пахта», «Сарой», «Тонг» сингари чинни термаларини яратдик ва улар барчага манзур бўлмоқда.

Чиннисоз уста келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, хотин-қизлар учун янги ишчи ўринлари яратишни режаллаган. Шунингдек, яратаётган чинни буюмлари харидорларини ошириш ниятида янги эскизлар устида иш олиб бормоқда. Жорий йилда яна бир неча турдаги чинни тўпламлари яратиш кўзда тутилганки, албатта унинг жилосидан барча баҳраманд бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА «БИЛАЙН»ДА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА «БИЛАЙН» САВДО МАРКАСИ ОСТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «UNITEL» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ АБОНЕНТЛАРИ ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИККА ЭГА БЎЛИШДИ. ТАРМОҚ ИЧИДА «МЕНГА КЎНГИРОҚ ҚИЛ» ХИЗМАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

Бу хизмат турунинг афзаллиги шундаки, эндиликда «Билайн» абоненти ҳисобида пули бўлмаса-да, ўз тармоғидаги ёки Ўзбекистон ҳудудидаги бошқа GSM операторига уланган уяли алоқа телефонларига «Менга кўнгироқ қил» илтимоси билан чиқа олади.

—Бу хизмат тури абонентларимизга ҳисобда умуман пули бўлмаган пайтида ҳам керакли кишилари билан алоқа боғлашига имкон туғдиради,—дейти «Unitel» компаниясининг савдо-сотик ишлари бўйича директори Андрей Солохин.—«Менга кўнгироқ қил» хизмат турига улашиб абонентдан ортиқча ҳаракатлар талаб қилмайди, балки у автоматик тарзда қўшилади.

Шу билан биргаликда бу хизмат туридан абонент бир суткада кўпи билан ўн мартаба фойдаланиши мумкин. Фақат, роумингга уланган абонентга юқоридаги илтимос билан жўнатилган хабар эса, роумингдаги мижоз ҳисобида пул бўлсагина етиб боради.

«Туркистон-пресс»

ЁШЛАРГА ФАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БРЮССЕЛДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА «2008 — ЁШЛАР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАНДА БЕЛГИЯ СИЁСИЙ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЕВРОПА ИТТИФОҚИ, ЕВРОПАРЛАМЕНТ, ДИПЛОМАТИЯ МИССИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Брифинг қатнашчиларига Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, жамиятни янада демократ-лаштириш жараёнлари ва халқ ҳаётини кенг ўзгаришлар хусусида атрофича маълумотлар берилди.

Ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш, ёш оилалар ва тадбиркорларга қўмақ кўрсатиш, шунингдек фан, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдодли ёшларни аниқлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича республикада аниқ мақсадли сиёсат олиб борилаётганига эътибор қаратилди.

Брифинг доирасида «Ёшлар йили»га бағишлаб, ўзбек кино усталари томонидан суратга олинган «Келажакка интилиб» номли фильм намойиш этилди.

Брюссель Эркин университети профессори Жан Бланкофинг фикрича, Ўзбекистонда «Ёшлар йили»нинг эълон қилиниши мамлакат раҳбарияти жамиятнинг келгусидаги тараққиётига уланган эътибор қаратаётганидан далолат беради. Жан Бланкоф Ўзбекистонда ёшларни турли соҳалар учун юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш, уларни интеллектуал ривожлантиришга қаратилган чўқур ўйланган ва аниқ мақсадга қаратилган давлат сиёсати олиб боришмоқда, деб ҳисоблайди. Бу эса ўз навбатида ёшларни жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашининг кафолати бўлмоқда.

Европалик профессор ўзбек жамияти «ёш авлодни ҳаётга қатъий ишонч ва теран нигоҳ билан қараб, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш»дек муҳим вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйганини таъкидлади.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги масалаларни умумдавлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қарайдиган давлатнинг келажакги шубҳасиз, буюқдир, — дея таъкидлади Жан Бланкоф.

«Жаҳон» АА Брюссель

Н.УСМОНОВА, УзА мухбири

Ўлкамизда Наврўз нафаси

МАМЛАКАТИМИЗГА ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ ФАСЛИ БЎЛИШИ БАҲОР АЙИМИ ТАШРИФ БУЙОРДИ. УШБУ ФАСЛ ГЎЗАЛ БАЙРАМЛАРУ, ҚУВОНЧИ КУНЛАРГА БОЙДИР. АЙНИҚСА БАҲОРНИНГ ИЛК КУНЛАРИ НАФОСАТ ТИМСОЛИ БЎЛМИШ АЁЛЛАР БАЙРАМИ БИЛАН БОШЛАНИШИДА ҲАМ ЧУҚУР МАЪНО ВА МАЗМУН ЁТАДИ. ЧУНКИ АЁЛ ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ, ЯРАТИШ ТИМСОЛИ.

ЎЗИНГИЗ БАҲОРСИЗ, ҚИЗЛАРЖОН

Кунни кеча «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЕИХнинг «Ёшлик» талабалар шахарчаси етакчилар Кенгаши томонидан «Ўзингиз баҳорсиз, қизларжон» мавзусида ўтказилган тадбир ҳам ана шундай гўзал, лафозли, барно қизларни Халқаро Хотин-қизлар кунини билан табриклаш, уларга қувонч, байрамони кайфият улаштириш мақсадида ташкил этилди.



Тадбирда «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳудудидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва Президент, Навоий, Беруний стипендияси соҳиблари бўлган талаба-қизлар иштирок этдиши...

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларнинг чек-чегараси

фотиға сазовор бўлганман, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факултети биринчи бошқич талабаси Шаҳноза Очилова. — Ушбу мукофот менга катта имкониятлар эшигини очиш билан бирга юксак масъулият ҳам юкледи. Хозирги кунда мен «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимиятида «Зулфия» қизлар клубида фаолият юритиб келаман. Ушбу клубга иқтидорли, истеъдодли талаба-қизларни бирлаштириб, уларнинг ўз истеъдодларини намойён этишлариға имконият яратиб бермоқдамиз. Бугунги тадбир эса бизни янада иждоий жўшқинликка ундайди.

Зоҳиджон АХРОРОВ

КЎЙЛАМНИ СОҒИНГАН КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

ЮРТИМИЗДА ЯНА БАҲОР НАФОСАТИ УФУРМОҚДА. ТАБИАТ ҲАҚИДА ДАРАХТЛАР ГУЛГА КИРДИ...

Баҳор остонасида ёзиладиган мақолалар, бадиаларнинг аксарияти одатда шу тартибда ҳис-ҳаяжонли дарак сўзлар ёрдамида бошланади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Аксинча уни янада бойитиш мумкин. Масалан, илҳом париси отлик инжик мавжудоти, туйғуми нима бўлса ҳам, у, сиз каби мастоналарға бир назар солмаса, бундан ҳеч қайгулланмай, мақолани бундай давом эттириб кетариверингиз мумкин.

Тоқсоннинг тўқрилган кўнларида кўчага интилмаган чурвақалар кўча эшиги томон юрган одамнинг ортидан эмеклаб, хархаша қила бошлади. Бум-буш кўчалар яна тунги сайрга чиққан ёш қилар билан зумда гавжуллашиб қолди. Ҳаво бирман мусофико, шу кўнлари тонг ҳавосини мириқиб симирсанг!.. Ёхуд кўнлигига энг яқин олган, ҳар бир сўзи олам-олам завқ бағишлайдиган бир дўрлаб билан аввал тунги, кейин тонгги сайрга чиқсанг. (Уша суҳбатдош қиёвасини қандай тасвирлаш мумкин? Адашмасам, қайсиدير шоирнинг «Шафтоли гулига ўхшайсиз, жоним», деган мисраси бор эди. У, яъни кўнгил ордусидаги сиймо ана шундай нафис бўлса, сўзласа, лабларидан бол томса, кўлса, қўлгичларға жон фидо қилсанг), айниқса, саҳарга ёққан ёмғир тонгда тинган бўлса. Аслида бу дамда сўзга ҳоҷат йўқ, бу пайтда кўнгиллар сўзлашади, кўнгил кўнгилдан сув ичади. Сен унга, у сенга боқиб тўймаган, шоир айтганидай:

Мен дунёнинг ишига сер солиб боқсам, Иккимиз отган бир қадамга йўқдир...

Узи шу тонгни бекорға сўтга ўхшатишмас экан-да, чунки эндиғина соғилиб ҳали соғуша улгурмаган сутни симирган киши шу таъмини туғди, танаси ғуборлардан покланиб, енгиллашади, оғир бир оқдан ҳалос бўлгандай ҳис қилади, ўзини.

суви гоҳ лойқаланади, гоҳ зилол бўлади. Жамики, тирик мавжудот кўзгалади. Ҳаттоки, «Туйғусиз чиркин ҳазон ҳам яшил пўланиқдан боғлай(б)ди қанот». Ай шу кўнларда ёшларнинг қанчалик очилиб кетишини қўяринг-да, момоларнинг қоширға ўсма суриб, обоболарнинг чаккасиға гул қистириб, панапанада бир-бирларига сирли-сирли қаришиға нима дейсиз. Энг қизиғи, бу фаслда энг яқов киши ҳам энгидиғи қавақ-қават кийимларидан қўтилиб танасига бир назар солган, унинг таъмир талаб бўлиб қолганини сезади чоғи, спорт билан шуғуллимоқчи бўлиб қолади, ўзича. Жуда ғайрат қилгани уч-тўрт кун югуради ҳам. Жамоаларни айтмайсизми, турли мусобақалар ташкил қилган, уларға масъул қилиб бириктирилганлар одамларни йиға олмай жиғибийрон бўлган...

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР КЕЗМОҚДА. ТАБИАТ КҮМ-КҮК ЛИБОС БИЛАН БЕЗАНДИ. АРИҚЛАРДА СУВЛАР ШИЛДИРАБ ОҚА БОШЛАДИ. ЮЗИМИЗГА МАЙИН БАҲОР ШАБАДАСИ УРИЛАДИ. ҲАР БИР ҚАЛБДА НАВРЎЗИ ОЛАМ НАШИДАСИ.

«ЁШЛАР БОҒИ» ЧИРОЙ ОЧАДИ

Наврўз асрлар давомида одамларда она ерга ва табиатға меҳр-муҳаббат, унга авайлаб муносабатда бўлиш, ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган, жисмоний меҳнат ва маънавий тарбияда муҳим аҳамият касб этган. Наврўз қизин экин-тикин, дала, боғ ишларининг бошланиши демек. Одамлар қишининг рутубатли кўнларидан омон-эсон чиқиб, баҳорнинг илк кўнларини кўтиб, деҳқончилик ишларига жиддий тайёргарлик бошлаганлар, ариқ-зуворларни тозалоганлар.

Бу йилги Наврўз ўлкамизға ўзгача тароват билан кириб келмоқда. Ҳамма жойда яшариш, янгилаш ишлари бошланиб кетди. Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги хинд тилига ихтирослашган Л.Б.Шастри номли 24-мактаб ўқувчилари ҳам ушбу байрамни кўтаринкилик билан кўтиб олмоқдалар.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари «Ёшлар йили»ға бағишлаб мактабда «Ёшлар боғи»ни бунёд этишға аҳд қилдилар. Бу боғда турли хил



манзарали дарахтлар ўтказилади. Хозирданок мактаб атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ариқлар чиқиндилардан тозаланимоқда. Дарахтларнинг ортика шохлари қирилди, тартибга келтирилмоқда, ерлар кўчат экишға ҳозирланмоқда.

Ҳар бир яхши анъана, аввало халқчилиғи билан аҳамиятлидир. Наврўзнинг ҳам умри боқий, чунки у қадимий ва хамиша навронон айём.

Муҳаббат РАСУЛОВА, Республика Халқ маорифи аълочилиси, олий тоифали ўқитувчи. СУРАТДА: мактабда «Ёшлар боғи» бунёд этилмоқда.

Муҳаммаджон Комилов деганда республикамиздаги барча кўз касалликлари шифохоналари учун ҳақиқий таянч пункт бўлган республика кўз касалликлари шифохонаси ва бу марказни бунёд этишда иштирок этган серғайрат ташкилотчи ушбу касалхона замоний асбоб-ускуналар билан жиҳозлашға бош-қош бўлган тиниб-тинчимас инсон кўз олдимизға келади. Беғарза айтилган бу сўзларға ўтиниб гувоҳ, Муҳаммаджон Комилов ҳақида ёзилган илмий рисолалар, автобиографик очерклар, шифокорнинг ҳаёти билан боғлиқ турли йилларда ёзилган китоблар, у билан бирга ишлаган, ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган фанамиз арбоблари, соҳа мутахассислари, издошлари, шогирдлари гувоҳ. Хусусан, бизнинг ҳам домла билан яқин танишлиғимиз сабаб, унинг бундай ибратли ишларидан озми-кўпми хабардор эдик. У ҳаётимда биз ишлаётган «Тошкент оқшоми» газетасида ўз мақолалари, кўз илмининг етук мутахассиси ва моҳир шифокор сифатида керакли маслаҳат ва таъсиллари билан қатнашиб турарди. Мана шундай учрашувлар пайтида баъзан домла билан қизгин суҳбатлашиб қолардик. На-вбатдағи мақола учун бирор нарса ун-дириш ниётида уни тез-тез саволларға тўтиб турардик.

Бир кунни иш уюсидадан домланган ҳузуриға бориб, уни бир даста хатларни бирма-бир қўлдан ўтказиб турган чоғида учратдик. Этиғи билан «Нима қилясиз?» деб сурадик, у зоқ-экин вилоятларда яшовчи мухлислардан келган хатларға жавоб ёзаётганини айтиб, олдимизға тўрт буқланган бир варак қозғаш ташлади. Унда шундай сатрлар битилганди:

«Хурматли Муҳаммаджон Комилов! Сиз кўз илмининг султонига мендек бир одий деҳқон ўғлининг илтимоси ижобатға ўтадими, ўтмайди, билмайман. Лекин нима бўлганда ҳам сизға ушбу мактубни йўллашға мажбур бўлдим. Сабаби шундаки, ўтган йили менинг саксон ёшли отамнинг кўзлари хиралашиб, хозир батамом кўрмай қолди. Шифокорларға мурожаат этсанг, отангизнинг кўзларини фақат профессор Комиловгина жаррохлик йўли билан очши мумкин, дейдишди. Яхшиямки одамлар бахтиға сиздек муъжизакор инсонлар бор. Ишқилиб кўлингиз дард кўрмасин, умрингиз узун бўлсин. Биламан, ишингиз кўп. Шундай бўлса-да сиздан яқиниб-ёлвориб сўрайман. Илтимос, отангизнинг дардиға дармон бўлинг. Сизға чўқур ҳурмат ва эҳтиром билан Шириновлар оиласи».

— Ҳўш, бунга нима дейсиз азизим, — сўради домла халға тоғларини сезиб. — Хат анча таъсирли ёзилибди. — Таъсирчанлиғини биламан. Лекин мактуб эгасига келинг жавобим қизиқтирмайдими сизни.

— Албатта келинтиради. Нима деб жавоб ёздингиз? — сўрадим мен. — Тезроқ олиб келинг, қўлимдан келганча отангизнинг кўзини очишға ёрдам

бераман, — дедим. — Ҳар кунни консилиум, консултация, малака оширувчиларға сабоқ бериш, бунинг устиға икки кунда бир операция. Ахир қандай улгурасиз бу ишларға? Яна вилоятлардан келган беморларни қабул қилиш. — Ҳамма гап шунда-да азизим. Шифокор хаммасига улгуриши керак. Баъзан уйқудан ҳам кечишға тўри келади. Ахир бир йўлбай кўринг. Бир дардман инсон сенинг ёрдамингға муҳтож бўлиб турса-у, сен ўз хўзар-халоватингни йўлай ўйда, бола-чақанг олдида бемалол осмонға қараб ётсанг. Ахир бу одамгарчилик эмаску.

Ана касбға садоқат. Ана ишға бўлган меҳр. Одамларға бўлган ҳурмат. Бемор-

дайд ташкил этилганлиғини кенг ўргангани билан у тажрибали шифокор — диагностика ҳамда ўз ишининг ипидан игнаси-гача чўқур биладиган кўз операцияси жаррохи бўлиб етишган. У жаррохлик техникасини жуда яхши эгаллаган, ҳар қандай кўз касаллиғини операция қилишға қодир мутахассис». М.Комилов ўз меҳнати ва ташкилотчилиғи, устозлар таъсири, ҳамкасблар ишончи билан 35 ёшида ҳам клиникаға, ҳам кафедраға бошлиқ бўлди. Жамма хурмати, кўпчилиги ишончини оқлаш учун ғайратға қайрат қўшиб ишлади. 50 ўрин клиникани 100 ўринли қилиб кенгайтиришға эришти. Шу даврда унинг елиб-югуриши билан республиканинги бошқа ви-

Хотира уйғонса гўзалдир ОЛАМНИ КҮРИШ БАХТИ

ОЛИМНИНГ НОМИ ТИЛГА ОЛИНГАНДА ОПТАЛЬМОЛОГИЯ СОҲАСИНИНГ БИЛИМДОНИ, УНИНГ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ФАН АРБОБИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КўРСАТГАН ШИФОКОР, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР МУҲАММАДЖОН КОМИЛОВ КўЗ ОЛДИМИЗГА КЕЛАДИ. БУ НОМНИ ЭШИТГАННИМИЗДА БУТУН ҲАЁТИНИ ОЖИЗ КўЗЛАРГА НУР БАҒИШЛАШГА БАХШИДА ЭТГАН, УМРИ ДАВОМИДА 40 МИНГДАН Ортиқ беморларни дунёни қайта кўриш бахтиға муяссар этган, ўз касбининг билимдони бўлган фидойий инсон кўз олдимизда гавдаланади.



ларға бўлган эътибор. Очиғи, бунақаси ҳар кимнинг ҳам қўлидан келарвермади. Бунинг учун Комилов бўлиш керак. Комилов бўлиб яшаш керак. Профессор Комиловнинг мартабаси улуглигининг, халқининг ардоқли шифокори бўлганлигининг бониси ҳам ана шунда.

Шу ўринда Муҳаммаджон Комиловға ўз даврида устозлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Пётр Фёдорович Архангельский томонидан берилган тавсияға бир назар ташласанг, домланиннг ҳаёт йўли янада равшанроқ кўринади. — «Муҳаммаджон Комилов 1917 йилда туғилган. 1939 йилда Тошкентдаги тиббиёт институтини тамомлаган. Ҳарбий тиббиёт академияси курсини битирган. 1944-45 йилларда ихтисослаштирилган госпиталларнинг кўз бўлимларида бошлиқ, врач бўлиб хизмат қилган. 1946 йилда Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтининг кўз клиникасиға келган. 1955 йилда Москва шаҳридаги врачлар малакасини ошириш марказининг институтида диссертация ёклаб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Шифохоналарда зоқ вақт ишлаганлиғи, Москва, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург), Прага, Вена шаҳарларида даволаш ҳамда илм бериш ишларининг қан-

лотларида ҳам кўз касалликларини даволаш муассасалари очилди. Натияжда мутахассисларға эҳтиёж ортди. Муҳаммаджон Комилов бошчилик қилаётган клиникаға Россия, Урта Осиё республикаларидан, Қозғоғистондан ҳам келадиган шифокорларнинг малакасини ошириш вазифаси топширилди. Комилов уларнинг ўқишини ташкил этиш билан бирга, ўз дарсиға пухта тайёрланар, ҳар ҳафтада икки кун беморларни операция қилар эди.

Республикада кўз касалликларини даволайдиган муассасалар сони ошиб борарди. Уларнинг ишиға республика микроскопида раҳбарлик қилиш, илгор тажрибаларни умумлаштириш ва ўрганиш лозим эди. Шунда республикада кўз мутахассисларининг илмий тиббиёт жамияти тузилди. Муҳаммаджон Комилов жамият бошқарувининг раиси этиб сайланди. Бош офтальмолог Комиловнинг саъй-ҳаракати, илмий тажрибаси туфайли 1964 йилда Ўзбекистонда кўз юкмили касаллиқларидан бири ҳисобланган трахома бутунлай бархам топди.

Муҳаммаджон Комилов ўз устида ишлашнинг бир зум ҳам унутмади. Шу йиллар давомида у «Ўзбекистоннинг санонат корхоналарида кўрва аъзолари жароҳатларининг клиник хусусиятлари ва уларнинг олдини олиш» деган мавзуда докторлик диссер-

тациясини муваффақиятли ёклаб, профессор унвонига сазовор бўлди. Ушбу мақолани ёзишға тайёргарлик жараёнида Ўзбекистон фан арбоби, профессор, адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов билан учрашиб қолдик. Устозға шу ҳақда айтганимизда Абдуғафур ака хурсанд бўлиб бизға қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— У киши онамининг ҳам кўзларини очиб берганлар. Ушанда домланиннг олдидларига кириб миннатдорчилик билдирдик. «Сизнинг олдингиздаги қарадан қандай қилсанг кутулманми?» десам у киши кулиб: «Онанинг мени болам десалар шунинг ўзи қиёфа» деган сўзи айтганларидан, мен бу инсоннинг одамилиғиға яна бир қарра тан берганман. Уша-ўша биз домла билан ака-ука тутинганмиз. Шунанқа камтарин, самимий инсонлар ҳақида ҳар қанча ёзилса оз.

Албатта бу Комиловнинг беиннат хизматидан баҳраманд бўлган биргина инсоннинг дил сўзи. Агар биз бу ўринда бундай самимий истак ва тиллакларни келтирамиз десак уларнинг сон-саногоғи етиш қийин.

Муҳаммаджон Комилов ҳақида ёзилган ушбу мақола юзасидан маслаҳатлашгани у кишининг ўғиллари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Холлидбек Комиловнинг ҳузуриға борганимизда унинг хонадонининг бир нуруний отахон, ортидан эса Холлидбек ака чиқди. Хол-ахвол сўрашганимиздан сўнг Холлидбек ака отахонни бизға таништирилди.

— Бу киши ота кадрдонларимиздан. Самарқандлик Ҳожиота бўлади. Отамизнинг руҳларини шод этиш учун бизни йўқлаб келган эканлар, қайтптилар.

Кейин билсанг Ҳожиота ҳам Муҳаммаджон Комилов қўлидан шифо топган инсонлардан экан. Яхшиликка яқинлик билан жавоб қайтариш мақсадида отахон Тошкентға йўли тушганида кадрдонни Комиловнинг руҳини хотирлаб албатта бу хонадонға бир кириб ўтар эканлар.

Отахон билан хайрлашсанг, Холлидбек аканинг тақлифи билан ичкариға кирдик. Домланиннг хотирасини ёдға олдик. Холлидбек ака мақсадиимизни билиб, хурсанд бўлилар. Бир пиёла чай устида ҳисобатимиз қизиди.

— Агар отамиз ҳаёт бўлганларида шу йилнинг март ойида 90 баҳорни қаршилар эдилар, — деди Холлидбек ака охирида. — Шу муносабат билан яқинда отамизни хотирлаб кичик бир дастурхон ёзмоқчимиз. Кечамизда қатнашсангиз хурсанд бўламиз.

Тақлифни бажонидил қабул қилдик. Йўлда кетиб борар эканмиз «Ёрғу оламни кўриш бахтидан жудо бўлган инсонлар кўзига қайта нур бағишловчи Муҳаммаджон Комилов ва ота касбини давом эттирувчи Холлидбек Комилов каби қўли гул шифокорлар бор бўлсин», деган фикр тақрор-тақрор хайлимиздан ўтиди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

«Инсон вақтни кашф этди, «Сейко» соати эса уни такомиллаштирди», дейилади Япониядаги бутун жаҳонға машҳур соатсозлик фирмасининг маҳаллий газеталарда мухтазам пайдо бўлиб турувчи рекламасида. Балки кимлардир бу ҳикоятнинг тўғрилиғиға шубҳа билан қарар, бироқ япониялик соатсозларнинг ўз махсулотларини иложи борича мукамалроқ ва истеъмолчиларининг хилма-хил талаблариға жавоб берадиган қилиб тайёрлашға доимий интилишлари ҳеч қандай шак-шубҳаға ўрин қолдирмайдиға ҳақиқатдир. Японияда сотила бошлаган кўл соатлари бунинг сўнги далилидир. «Торэй» компанияси мавсумини шу соатларни чиқариш билан бошлади. Бу соатларда вақтни кўрсатадиган миллилардан ташқари қўёшдан таралаётган ультратинафш нурларининг жадаллик даражасини ўлчайдиган асбоб бор, ўзига хос овоз сигнали эса соат эгасини у қўёшда етарлича товланганидан ва агар соатнинг «маслаҳатига» кулоқ солмаса, териси қуйиши мумкинлиғидан огоҳлантиради. Соатнинг нархи — 12 минг иен (тахминан 80 доллар). Бироқ шундай соатнинг бахти эгаси ортикада товланиш натижасида қуйган терини даволаш учун дори-дармонлар сотиб олишға пул сарфлашмаслиғи ҳисобға олинадиган бўлса, бу сира қиммат эмас.

Табиат инсон ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Қўпича у турмушимизда рўй бераётган янгиликларға ва турли ихтироларға ҳам сабабчи бўлади. Баъзан бунга арзиманган воқеа ёки ҳодиса ҳам туртки бўлиши мумкин. Бинобарин, сайрдан қайтиб, кийимларға илашган хас-чўпларни тозалаш пайтида швейцариялик муҳандис Жорж де Местраль жисмларини бир-бириға ёпиштириш (улаш)нинг янги усулини кашф этган эди. Унинг янгилик яратишға қўшқўнас ўсимлигининг меваси туртки бўлди. Бу ўсимлик мевасининг учи балиқ туйилидиган илгакка ўхшаш тўқчалар билан қопланган. Шу тўқчалар ёрдамида у жониворлар терисига илашиб, узоқларға тарқайди. Местраль бу мевани синчиклаб текшириб, ўрганиб чиқади ва унинг хусусиятларидан келиб чиқиб улагич яратди. Улагич иккита тасмадан иборат. Бири илгаклар билан, иккинчиси эса туксимон мато билан қопланган. Тасмалар бир-бириға тегиб кетса бас, жуда осонлик билан ёпишиб қолади. Ҳозир улагичдан самолёт ўриндилариға оқ матоларни, автомобиллардаги гиламчаларни маҳкамлаб қўйишда ва оёқ кийимидега ип ўрнатида қўлла-ниллапти. Сўнги пайтларда улагич иштилатилган буюмлар рўйхати тобора кенгайиб бормоқда. У ҳатто коминот кемаларида ҳам қўлланилмоқда.

Табиати қузатиб, бирор янгилик билан одамларни ажаблантириш қийин бўлиб қолди. Таниқли табиатшунос Рене Антуан де Реомюр умрининг кўп қисмини жониворлар ҳаётини қузатишға бағишлади. У арилар ўсимлик таласини сўлга билан юмшатиб, қалин қозғоға ўхшаш модда ҳосил қилиб, ин қуришини қузатди, сўнг матолардан қартон ишлаб чиқарувчиларға ёғочдан қозғо илаш чикаришни тақлиф қилди. Аммо ўша пайтда унинг бу тақлифиға ҳеч ким кулоқ солмади. Орадан юз йил ўтиб, бу усул нихоят эътироф этилди. Ёғочдан қозғо ишлаб чиқариш ҳаётға таътиб этилди.

1851 йилда Лондонда биринчи халқаро кўрғазманнинг очилиши муносабати билан Жозеф Пекстон ойна билан металл конструкцияларидан узунлиғи 500 метр бўлган улкан бинони ҳеч бир қийинчиликсиз қуриб битқазди. Бу бино биллур сарой номини олди. Бино бунёд этилишида қурилиш материали сифатида ишлатиладиган ойна ва мураккаб конструкциялар мезморчиликда инқилоб юз берганини аниқлар эди. Гап шундаки, ўша пайтда боғларни барпо этиш ва чирой бериш устидега иш олиб бораётган Пекстон Жанубий Америкадан Англияға олиб келинган ва Англия қироличаси шарафиға Викториа-регия деб номланган улкан нилуфар ҳақида эшитиб қолади. Ўсимлиқнинг барглари 2 метрғача етар ва кичик ёшдаги болаларни бемалол кўтара оларди. Унинг пишқиллиғи сирни марказдан радиус бўйлаб тарқалган томилар битта умумий марказға эга бўлган толарлар билан чирмашиб кетганди эди. Бар-нинг тўзилишини ўрганиб чиққан Пекстон ўз кузатувлари натижасида тик қўйилган устунларға ўрнатилган металл конструкциялардан бир-бири билан туғри бурчак остида кесишиб ўтган улкан ойнавадд бинонин бунёд этишға муваффақ бўлди. Бу саройнинг қурилишида ҳам мезморға табиат ёрдам берди.

Англия жанубидеги Бигбери қўлтиғида Баре деб аталувчи оролча мавжуд бўлиб, у ерда жуда кўплаб қўшлар яшайди. Бу ерда мекмонхона, қаваҳона, қўшлар қўриқхонаси ва гулларға тўлган ўтлоқлар ястаниб ётади. Оролча майдони 11 гектар атрофида бўлиб, эндиликда нафақат қўшлар қўриқхонаси, балки экологик тоза маскан деб ҳам эълон қилинди. Машҳур ёзувчи Агата Кристи бу оролда маълум вақт яшаб китоблар ёзганлиғи ҳам қизиқиб турди. Оролда машиналар юришиға йўл қўйилмайдиди, ҳатто моторли қайиқлар ҳам бу масканға яқинлаштирилмайдиди. Оролға моторсиз «денгиз трактору» денгиз суви қўлайиб, қамайиб туриши ҳисобиға соатиға 5 километр тезликда олиб бориб қўяди.

Яманотэ пойтахтининг айланма йўли ҳисобланади. Хозирги кунда Япония пойтахти меҳнатқашлари ва меҳмонлари йўлининг 28 станциясини бир соат ичида босиб ўтадилар. Узунлиғи 100 километр атрофида бўлган бу йўлдан йилиға 1 миллиардга яқин йўловчи фойдаланади. Бу йўлда юрвучи поездлардан бири 55 йилдан ортиқ вақт давомида йўловчиларға хизмат қилганлиғи қайд қилинди. Шу даврда у 3 миллион 800 минг километр масофани босиб ўтган. Демак, поезд Ер билан Ой ўртасидаги масофада ўн марта қатнаган бўлиб чиқади.

Биз яшаётган моддий олам сир-синоатларға тўла. Яқинда Руминиянинг жанубий-шарқида Қора денгизға яқин жойда ғор топилган. Унинг қандайдир геологик ҳалокат сабабли бундан 5,5 миллион йил муқаддам ташқи оламдан мутлақо узилиб қолганлиғи аниқланди. Ғорда ва ундаги қўлнинг 1,5 метр чуқурлиқдаги тубида турли хил майда жониворлар яшар экан. Ўтган миллион йиллар давомида ғорда яшовчи жонзотлар шаклан ўзгара борган. Жами 50 турдаги майда жониворларнинг 33 хили хозирча фанға мутлақо маълум эмаслиғи гоят хайратланарлидир. Ана шуниси қизиқки, машҳур ёзувчи Артур Конан Дойл «Йўқолган дунё» романида тасвирланган воқеалар билан ушбу ғор ўртасида қандайдир боғлиқликлар борға ўхшайди.

03-03 ўрганиб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИҚМАТЛАР

Чўлда ўз кўзларим билан кўрганман, йулда қолиб кетар шошқалоқ одам. Шамолдек саманлар чопиб толади, Сорбон бир меъёрда ташлайди қадам.

Камолу фазлдан бебаҳра бўлсанг, Огзинг оча кўрмай тилингни тийгил. Одамнинг ўз тили қилур шарманда, Пуч ёнғоқнинг вази келгандек енгил.

Сўзлар эрса сендан каттароқ бир оз, Яхшироқ билсанг-да, қилма эътироз.

Фаришта ўлтирса дев билан агар, Урганар ваҳшату найраг, хибнат. Емондан яхшилик ўрганиб бўлмас, Бўри пўстиндўзлик қилурми одат?

Одамнинг устга қараб, бир кунда Илму даражасин билса бўлади. Ва лекин дилидан бўлма хотиржам, Йиллар ўтиб бир кун ошкор қилади.

Соаярпарвар кучни қайдан олади, Баҳодирлар билан уришмоқ учун. Суст панжа олишар нодонлигидан, Буқолмас у темир панжалар кучин.

Кўли қисқа ҳасадчи қилур гийбат, қилу қол, Чунки келса рўбарў, тили бўлур гунгу лол.

Тирик жонин олиш осон бўлар хал, Улик тирилмайди қайта ҳеч маҳал.

Ўқчида сабр ўлса, ақлдан нишон, Камонга қайтмайди учган ўш ҳеч он.

Оқилга паст киши кўргузса жафо, Кўп алам чекмасин бўлиб дилсиё.

Тошдан кичик лаъл бўлурга лозим неча йил, Тошга уриб бир нафасда синдирма чил-чил.

Қатра катра устига жам бўлса, у бўлган нахр, Нахр устига нахр келса, бўлур денгиз, ахир.

Оз-оздан йиғилиб бўлади бисёр, Дона-дона галла тўлдирур анбор.

Паст одамга муомалан бўлса бўш, Манманлиги ортиб, учар ақлу ҳуш.

Бўлса жоҳил маҳруму қалта ақл, Яхшироқдир беамал олимдан ул. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Кўргазмалар САРА АСАРЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

ШАХРИМИЗДАГИ МУХТОР АШРАФИЙ НОМИДАГИ УЙ-МУЗЕЙДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ, АКАДЕМИК, ПРОФЕССОР БАҲОДИР ЖАЛОЛОВНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Бадий академияларининг ҳақиқий аъзоси Б.Жалолов ижоди тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унинг кўплаб ранг-баранг асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Москвадаги Давлат Третьяков галереяси ҳамда Халқаро рассомлар уюшмаси конфедерацияси фондида, Букингем саройи, Британия музейи, МДХ ҳамда қатор хориж давлатларидаги хусусий тўпламлар сақланмоқда.

Иқтидорли ижодкорнинг ушбу кўргазмасида асосан модернизм йўналишидаги энг сара 11 та асари намоийш этилмоқда ва мухлислар томонидан илиқ қабул қилинмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида Баҳодир Жалолов ижодининг ўзига хошлиги, асарларининг фалсафий йўналишлари хусусида мутахассислар алоҳида тўхталиб ўтиши ва тадбир доирасида «Севги ва ижод баҳорини» мавзусидаги кизиклиқ концерт дастури намоийш этилди. Тадбирга йиғилганлар А.Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театри яқхажон хонандаси Елена Шавардова, «Жаҳон халқлари санъати» халқаро ассоциацияси лауреати Мавлуда Ўринбоева, шоирлар, санъаткорларнинг чиқишларидан бир олам завқ-шавақ олдилар.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар

УЧИНЧИ КИНОФЕСТИВАЛЬ ҲАҚИДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 12-18 МАЙ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРО ШАҲАРЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАРИНИНГ "ИЖОДИЙ ПАРВОЗ" УЧИНЧИ КИНОФЕСТИВАЛИ ҲАҚИДА.

Ушбу кинофестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Мусаффо экран" Киновидео ассоциацияси, Франция, Швейцария мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари, Тошкентдаги Гёте институти, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилаётир. Мазкур кинофестиваль Марказий Осиё мамлакатлари ёш кинематографчилари ўртасида ўзаро ижодий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятини юзага чиқариш ва йўналтиришга қўмаклашиш, ёш истеъоддорларни кашф этиш мақсадида қаратилган.

Фестивалга 2006-2008 йилларда ишланган қисқа метражли ва тўламетражли бадий фильмлар қабул қилинади. Унга қатнашиш истагиди бўлган ижодий ўқув юртлари, киностудиялар ҳамда бошқа кинохороналар ариза, ишлари эшти аниқтаси ва фильм хусусини топшириши шарт.

Хужжатлар жорий йилнинг 15 мартга қадар қабул қилинади.

МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ҲАҚИДА

МАРКАЗИЙ ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДА ҲАҚИДА

Унда Тошкент шаҳридаги диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, талабалар ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари иштирок этди.

Мазлумки, халқ миллий кийим-кечақларида шу халқнинг бадий, эстетик диди, миллий хусусиятлари, маданий анъаналари намоён бўлади. Ўзбек миллий, анъанавий кийимлари орасида кўриниши жиҳатдан кичкина, лекин энг қадимий ва умрбоқий — бу ўзбек дўппилари-дир.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик туғайли ўзлимизни англаётганимиз, аждодларининг маданий-маънавий меросидан фойдаланиб миллий анъаналар, гузал урф-одатлар, тарихий бой қадриятларининг тикланаётганини туғайли ўзбек дўппилари яна қайта ўз қадрини топаётганини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, ганчкорлик, ўймакорлик, нақшошлик, кўлоқчилик, темирчилик, тикувчилик, каштакчилик, зардулик, гиламчилик, мёморчилик, дўппидўзлик сингари халқ хунарамчилик санъати ёшларда тафаккури, тасаввур, эстетик диди, энциллиги каби сифатларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир умуммиллий маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига синдириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизга улар қалбиди меҳр-муҳаббатни қўнайитиришга қаратилган. Халқимизнинг юксак маънавий қадриятларидан бири ўз-ўзининг муносабатлари орқали амалий беизак санъатининг гузал ва бекиёс тури каштадўзлик-дўппидўзликни асл ҳолида асраш ва ёш авлодга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда дўппидўзлик санъати билан шуғулланаётган ёш хунараманд қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз истеъодини намоийш қилиши учун турли кўргазмалар ташкил этиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш зарурлиги алоҳида эътироф этилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс"



Table with columns for TV channels (e.g., ШАНБА, 15, ТВ-3, ТВ-5) and their respective program schedules.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Legal notices and advertisements including 'Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги...' and 'ХўРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!'.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ' with contact information, phone numbers, and address details.